



ISHOLOS

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 7 ноябр, чоршанба № 174 (1188)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КОСОНСОЙДА СЎЛИМ СИХАТГОҲ

Косонсой туманининг хушманзара тоғ ён бағрида жойлашган «Косонсой» санаторийсида асосан юрак-кон томирлари, асаб, ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморлар даволанади. Ушбу санаторийда беморларнинг кўнгилли дам олишлари учун ҳам барча шароитлар мавжуд.

Суратларда: ҳамшира Насиба Турсункулова: «Косонсой» санаторийсининг умумий кўриниши.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.



«АВЕСТО»ГА БАҒИШЛАНГАН ИЖОДИЙ МУКОФОТЛАР

«Олтин мерос» халқаро жамғармаси вилоят бўлими Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги ва қадимий маънавият қомуси юбилейига бағишланган ижодий танловга яқун ясади. Танловга хайкалтарошлик, тасвирий санъат ва адабиётнинг турли жанрларидаги 100 га яқин

ишлар тақдим этилган. Танлов ҳайъати биринчи мукофотни хоразмлик меймор Полвонназир Салаевга муносиб кўрди. У 1999 йилда қурилган Жалолитдин Мангуберди ёдгорлик мажмуи ва тантаналар вақтида очилган «Авесто» боғи лойиҳалари муаллифидир.

Тошкент Давлат юридик институтида «Ўзбекистоннинг 10 йиллик мустақиллик даврида фуқаролик ҳуқуқи» мавзусида икки кунлик халқаро илмий-амалий анжуман бошланди.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ - МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суд, Немис техникавий ҳамкорлик жамияти, Олий ҳўжалик суди, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, ЎзФА ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Россия, Германия каби мамлакатлардан вакиллар иштирок этапти. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланган жамият чина-

кам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Шунинг учун мустақиллик илк йиллариданоқ мамлакатимизда ҳақиқий фуқаролик жамиятини барпо этиш, хусусан, давлат-жамият-фуқаро бирлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Анжуман иштирокчилари истиқлол йилларида мамлакатимиз фуқаролик қонунчилигида

«Касбиматлуботсавдо» акциядорлик жамияти қошида машина-трактор парки иш бошланди.

РАҚОБАТ ПАЙДО БЎЛДИ

Бозор иқтисодиётида рақобат асосий рол ўйнайди. Унда ҳалол ва чинакам тадбиркор ютиб чиқади. Шу боис «Касбиматлуботсавдо» акциядорлик жамияти бошқаруви муқобил МТП ташкил этди. Айни вақтда 9 та «ДТ-75» ҳамда бошқа техника ва механизмлар ҳўжаликлар, фермерлар ҳамда шахсий томорка эгаларига шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда. Мухими, бу ерда хизмат ҳақи бошқаларниқига нисбатан анча арзон. Шунинг учун янги МТП нинг миқозлари кўпайиб бораёпти.

МАЛАКА ОШИРИШМОҚДА

Тошкент шаҳар қурилиш ва миллий хўнармандлик касб-хўнар коллежида шаҳар ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-хўнар коллежлари умумтаълим ўқитувчиларининг доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Малака ошириш курсларини ташкил этишдан мақсад мамлакатимизда Президент Ислон Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг иккинчи босқичи вазибалари бажарилишини таъминлашдир. Юқори даражадаги умумқасбий маданиятга, ижтимоий фаолликка, мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган баркамол авлоднинг шакллантиришда ҳам ушбу курсларнинг ўрни катта бўлади. Айни пайтда жойларда академик лицей ва касб-хўнар коллежлари ўқитувчиларининг 9 та умумтаълим ва 10 та махсус фанлар бўйича доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил этилган. (ЎЗА).

«ЎзБАТ» қўшма корхонасининг Самарқанд тамаки фабрикаси маъмурияти 2000 йилнинг апрел ойидан, Ургут бўлими эса шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб давлат ижтимоий сўғурта бадалларини тўламай қўйди. Табиийки, вилоят агро-санаят мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси мазкур корхоналарнинг раҳбарларига расмий равишда мурожаат этиб, нотўғри йўл тутилаётганлиги ҳусусида огоҳлантирди. Бироқ, уларнинг биронтаси инобатга олинмади. Иш охириқибат ҳўжалик судига бориб тақалди.

Самарқанд вилоят ҳўжалик судининг судьяси Т.Гусейнова низоли ишни кўриб чиқиб, даъвои рад этиш, жараёни ҳаракатдан тўхтатиш ҳақида ажрим чиқарди. Бу кўпчиликни ҳайратга солди. Боиси, судья масаласга нотўғри, ноқонуний ёндашган эди. Шу боис, вилоят ҳўжалик судининг апелляция ҳайъати Т.Гусейнованинг ажримини бекор қилиш, ишни бошқа таркибда қайта кўриш ҳақида қарор қабул қилди.

Вилоят ҳўжалик судининг судьяси Ж.Қамолов раислигида ўтган кейинги суд мажлисида низоли масаласга тўла ойдинлик киритилди. Судья Т.Гусейнованинг ҳотолари аниқ-равшан кўрсатиб ўтилди. Биланмики, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий сўғурта қилинади. Сўғурта бадалларини иш берувчи ёки ходимларнинг ўзлари тўлайди. Ушбу маблағлардан санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш, сўғурта қилинган ходимларнинг парhez таомллари учун маблағ ажратиш, болаларни соғломлаштириш каби мақсадларда фойдаланилади. Бироқ, Т.Гусейнова

ҳўжалик юритиш шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот, муассасалар, шахсий дехқон, фермер ҳўжаликлари, фуқароларни шартнома асосида ёллайдиган ва яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд шахслар касаба уюшмалари Федерациясига ижтимоий сўғурта бадали тўлаши белгилаб қўйилган.

негадир давлат ижтимоий сўғурта бадали билан касаба уюшмаларига аъзолик бадалини чалқаштириб юборган. Бундан ташқари, у давлат ижтимоий сўғурта бадали солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар сирасига кирмайди, деб ҳисоблаган. Ҳолбуки, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий сўғурта бадалларининг миқдори тўғрисида»ги қарориди мулкчилик шаклидан қатъий назар, юридик шахслар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига тўлайдиган ижтимоий сўғурта бадали иш ҳақи жадамгармасига нисбатан 1,2 фоизни ташкил этиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 4 августдаги қарориди идоравий бўйсунуши, мулкчилик ва

Мутасаддиларга янада тушунарли бўлиши учун таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддасида мақсадли давлат жамғармалари алоҳида-алоҳида кўрсатилган. Кейинчалик ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банкдаги ҳисоб рақамидан пул маблағларини чегири қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилган 2-қўшимчага мувофиқ мақсадли давлат жамғармалари рўйхатига касаба уюшмаларига тўланадиган давлат ижтимоий сўғурта бадалларини ҳам қўшилди. Мазкур ҳужжат республика Марказий банки, давлат Солиқ кўмитаси, Молия вазирлиги билан келиширилган, тасдиқланган, Адлия вазирлигида рўйхатга

Қонун барча учун баробар

олинган. Демак, ижтимоий сўғурта бадаллари мажбурий тўловлар рўйхатига киритилган. Шунга асосан Ж.Қамолов раислигидаги суд мажлиси касаба уюшмаларининг даъвосини тўла қаноатлантириш,

фуқаролик, на маъмурий қонунчилик билан бошқарилади, бинобарин, бу иш ҳўжалик суди ваколатига кирмайди, деган ҳулосага борган. Таъкидлашмики, мазкур кўмита тегишли низога мувофиқ юридик шахс бўлиб, ўз муҳри ва ҳисоб рақамига эга. Айни вазиятда у давлат номидан иш юритмоқда. Т.Гусейнова имзолаган ажримда шундай сатрлар бор: «Даъвогарнинг аризасидаги «ЎзБАТ»нинг Ургут филиали ижтимоий сўғурта бўйича давлатдан қарздордир» деган даъвоси нотўғри, чунки ижтимоий сўғурта маблағи давлат бюджетига эмас, балки касаба уюшмалари жамғармасига тушади, касаба уюшмалари эса жамоат ташкилотидир.

Бошқаларни қўя турайлик, қонун ҳимоясининг ўзи амалдаги қонунларимизни яхши билмаса, уларга давр тақозоси билан киритилган ўзгаришлардан беҳабар бўлса, ишда жиддий камчиликларга, демакки, адолатсизликка йўл қўйиши табиий. Юқоридаги мисол бунинг исботидир. Бу низоли масала ва унинг адолатли ечими нафақат судья Т.Гусейнова, балки бошқа кишиларга ҳам сабоқ бўлади, деб ўйлаймиш.

Ана энди судья Т.Гусейнова юқоридан қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Қонуниларини нахотки билмаса, деган ҳақли савол туғилади. Яна қизиги шундаки, у Самарқанд вилоят АСМ ходимлари касаба уюшма кўмитасини юридик шахс эмас, деб топиб, у билан «ЎзБАТ» корхоналари ўртасида юзга келган вазият на

Т.АМИРОВ, Самарқанд вилоят АСМ ходимлари касаба уюшма кўмитаси бош ҳуқуқ нозир.

АДОЛАТ СУДДА ТИКЛАНДИ

Сўғра Самарқанддаги икки корхона ноқонуний равишда ижтимоий сўғурта бадалларини тўламай қўйганлиги ҳусусида

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Андижон вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг 2002 йил учун матбуот нашрларига обуна бўлишни ташкил этиш юзасидан чиқарган қарори барча тармоқ вилоят кўмиталари, шаҳар, туман ва бошлангич ташкилотларда кенг муҳокама қилинган, вақтли матбуотга ёзилишида фаоллик кўзга ташлана бошлади. Обуна

тарғиботини олиб бориш, қарор ижросини назорат қилиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи меҳнат жамоаларида фаол иш олиб бормоқда. Кенгаш қарорига кўра, келаси йил нашрларига обуна бўлишни ташкил этишда энг яхши натижаларга эришган касаба уюшма ташкилотлари эгаллаган

«Обуна - 2002»

ўринларига қараб қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишади. Шундай мукофотни вилоят тармоқ касаба уюшма кўмиталари ҳам эълон қилдилар. Шу боис, мазкур муҳим тадбир уюшқоқлик билан олиб бориляпти. М.АБДУКАРИМОВ.

Сўзгиги хабарлар оқшамизда

АГАР ҲАММА БИР БЎЛСА

Ҳозирга келиб халқаро терроризмга қарши кураш кун сайин авжига чиқмоқда. Шу маънода Польша пойтахти Варшавада терроризмга қарши ҳаракатга қўшилган давлатлар конференцияси алоҳида аҳамият касб этди. Унда иштирок этган юқори мартабали расмий шахслар халқаро терроризмни тағ-томири билан йўқ қилиш учун дунёдаги барча мамлакатларнинг бирлашиши гоят муҳим омил эканлигини

таъкидладилар. Польша президенти А.Квасньевский анжумандан кейинги сўзида мазкур йигин яқин кунларда самара беради, деб умид билдирди.

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ

Туркияда террорчилик ҳаракатларидан ҳимояланиш мақсадида хавфсизлик чоралари кучайтирилмоқда. «Оқшом» газетасининг ёзишича, ўз йўналишини ўзгартириб, Анкара томонга бурилган ҳар қандай самолёт,

агар буйруққа бўйсунмаса, ҳарбий-ҳаво кучлари томонидан шу заҳоти уриб туширилади. Шунингдек, Миллий хавфсизлик кенгаши пойтахтдаги ҳукумат бинолари ва нуфузли маҳкамаларни қўриқлаш тизимини янгилашга киришди.

КАТТА ҲУЖУМГА ОЗ ҚОЛДИ

АҚШ ва Буюк Британиянинг осмондаги ва қуруқликдаги ҳарбий кучлари толибонлар позицияларига зарба беришни давом эттири-

моқда. Бунда ўта катта имкониятларга эга бўлган «В-52» самолётлари ҳам қатнашмоқда. Лекин, шунга қарамай, Шимолий иттифоқ кучлари ҳамон ҳужумни кечиктирмоқдалар. Зотан, бунга қурол-яроғларнинг етишмаслиги сабаб қилиб қўрсатишмоқда. Шимолий иттифоқ кўмондонларининг айтишича, тахминан бир ҳафтадан сўнг катта ҳужум бошланади. Афғонистон президенти Бурхониддин Раббоний мамлакат пойтахти — Қобулни албатта қўлга киритамиз, деб ишонч билдирди.

ЯҚИН ШАРҚ БЎЙЛАБ САҒАР

Англия бош вазири Тони Блэр қатор Яқин Шарқ мамлакатларига қилган қисқа муддатли сафаридан сўнг Лондонга қайтиб келди. У ташриф давомида Сурия, Саудия Арабистони, Урдун, Исроил давлатлари ҳамда Ғазо минтақасида бўлди. Бош вазирнинг сафаридан мақсад Яқин Шарқ можароси тафтини мумкин қадар пасайтириш, Исроил ва Фаластин томонларини музо-

каралар даврасига қайтариш эди. Аммо, баъзи кузатувчиларнинг фикрига қараганда, ташриф муваффақиятли ўтган, лекин, айримлар Т.Блэр ўзининг мулоқотларида ҳеч нарсага эриша олмади, демоқдалар.

КЎЙДИРГИНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРАДИ

Россия Фанлар академиясининг Г.Будкер номидаги Сибир бўлимига АҚШ томонидан хайратомуз бюртма тушди. Америкаликлар почта йўли билан келган юкларни,

жумладан, мактубларни юкумли кўйдирги касаллигини унсурларидан зарарсизлантириш ҳусусиятига эга бўлган аппаратлар ишлаб беришни илтимос қилдилар. Айни кунларда бундай асбобнинг қуввати қандай бўлиши кераклиги юзасидан тажрибавар бошланди. Бу ҳақда Ядровий физика институтининг илмий котиби А.Кудрявцев ахборот берди. Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН - ЯШОН!



БИР ОИЛАДАН УЧ ЗОБИТ

Мен Чирчиқдаги олий билим юртига ўқишга кирар эканман, дадам кулиб, шундай дегандилар:

— Акаларингнинг йўлини танлабсан-да, ўғлим! Дадамнинг бу гапидан бир олам кувондим ҳамда у менга нақадар катта масъулият юкляжagini хис этдим. Узим Андижоннинг Избосканидан бўлман. Дадам Эркинбой Сайфуддиновни илгор пахтакор саркор сифатида ҳамма яхши таниди. Акам Зокир — Куролли кучларимизнинг катта лейтенанти. Иккинчи акам Фазлидин худди мендек билим юртида, фақат бошқа факултетнинг 4-курсда тахсил оляпти. Демак, оиламизда уч зобит бўларкан.

Бу — мустақиллик шарофати туфайли. Аввалги даврда махаллий миллатнинг битта оиласидан шунча зобит чиқишини тасаввур қилиб бўлармиди? Ҳозир ўқишларим жуда яхши кетаяпти. Бахтимиз шуки, биз яхши устозларнинг қўлига тушдик. Ут очиш тайёргарлигидан машғул олиб борувчи подполковник Константин Амонотядди, айниқса, бизга меҳрибон. У машғулларни жуда қизиқarli тарзда олиб боради.

Ўқитувчимиз Темур Ниёзов ҳам бизлардан ўз тажрибасини аямайди. Гуруҳимиз талабалари жуда иноқ. Ҳаммамизни Ватанимизнинг содиқ посбони — командирлари бўлиб етишишдек муқаддас аҳд бирлаштирган. Қорақалпоғистонлик Запхтакор саркор сифатида ҳамма яхши таниди. Акам Зокир — Куролли кучларимизнинг катта лейтенанти. Иккинчи акам Фазлидин худди мендек билим юртида, фақат бошқа факултетнинг 4-курсда тахсил оляпти. Демак, оиламизда уч зобит бўларкан.

... Яқинда она юртим Избосканида бўлдим. Бир дунё кувонч билан қайтдим у ердан: дадамнинг жамоаси пахта топшириш режасини ҳар йилгидек ортиги билан адо этибди. Мен билан хайрлашаётиб багрига босар экан, у киши ярим ҳазил, ярим чин қилиб, «Албатта генерал бўл, ўғлим, мен сен билан фахрланиб юрайин» дедилар.

Армияда эса «Генералликни орзу қилмаган аскар аскармас!» деган ажойиб гап бор. Ажаб эмас, дадамизнинг ниятлари ижобат бўлиб, фаришталар омин деб юборса...

Низомиддин Сайфуддинов, курсант.



Харбий хизмат ва спорт эгизак десак муболага бўлмас. Муддатли хизматни ўтаётган сержант Руслан Зинетов Наманган вилоятидан. У авваллари ҳам спортнинг кураш тури билан шугулланарди. Ҳозир ўз қисмининг таниқли спортчиларидан ҳисобланади.

Н.ЮСУПОВ олган сурат.



Оташин шоиримизнинг машҳур сатрлари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Фақат бир жиҳати шуки, ҳозир фарзандларимиз биринчи навбатда она-Ватанин кўз қорачигидек кўриқлаш учун харбий хизматга отланадилар. Лекин

ОҚ ЙЎЛ, КЎЗИМ ҚОРАСИ!

мабодо ўтган йили Сариосиё ва Узун туманларида бўлгани каби шумният галамислар юртимизга бош суқиб кирмоқчи бўлса, ўғлонларимиз қақшатқич зарба берадилар.

Сиз ушбу суратда таътилга келган жигарбандига оқ йўл тилаб, уни ўз қисмига кузатиб қолаётган бахтли отани кўриб турибсиз.

Оқ йўл сэнга Ватан ҳимоячиси! Унутма, тинч осуда ҳаётимиз сен каби шербилак, шерюрак аскарларимизнинг туну кун хушёрлиги, матонату садоқатига боғлиқдир. Ота-онанг эса ҳаммаша эзгу ниятларни сэнга йўллайти:

Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин,
Хайр, кўзим қораси...

Қаҳрамонлар орамизда

Мен харбий хизматчи-тарбиячиман. Кўпинча қисмдаги аскарларимизга замондош жангчиларимизнинг жасорати, матонати ҳақида сўзлаб беришга тўғри келади. Айнан мана шу борада «Ишонч» саҳифасида бир-иккита ёрқин мисоллар келтирилган мақола ўқисам дегандим...

А.МУҚИМОВ,
сержант.

ЯШИН КАБИ ЧАҚНАГАН УМР

Бунга 2000 йил август ойида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларига халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг босқинчи тўдалари суқилиб кирмоқчи бўлган чоғдаги жанговар ҳаракатларда аскарларимиз кўрсатган қаҳрамонлик намуналари ёрқин мисол бўла олади.

... Лейтенант Бобур Фаниев ва шартнома асосида хизмат қилувчи катта сержант М.Ражабов олдинги қаторда тик қоя томон юрдилар. Қояга 70 метрлар чамаси масофа қолганда душман пистирмасидан отилган снайпер ўқлари лейтенант Б.Фаниев ва катта сержант М.Ражабовни жароҳатлади. Жангчиларимиз шиддатли жангда бир қанча душманни ер тишлатдилар. Оёғидан яралган лейтенант Б.Фаниев катта бўлмаган тош ортида ўзига жанговар позицияни барпо қилиб, душман билан олишувни давом эттирди ва ўз сафдошларига яқиндан ёрдам берди. Ёш зобит учун бу жанг биринчи ва охиригиси бўлди. Лекин, Бобуржон бу жангни матонат билан якунлади, ўзи қурбон бўлса-да, сафдошлари ҳаётини сақлаб қолди ва бўлинманинг ғалабасини таъминлади.

11 август куни Қаҳрамон Мадалимов ўзининг охириги жангини исми жисмига монанд равишда қаҳрамонона ўтказди. Олдинда ҳаракат қилаётган гуруҳ жангчиларидан бири яраланди. Ўз инсонийлик, касбий ва хизмат бурчини ўқлар ёмғири остида бажаришга киришган Қаҳрамон тезда ярадор дўсти олдига келди ва унинг ярасини боғлади. Лекин, душман ўқи уни ҳам аямади. Қаҳрамон оғир яраланди. Бироқ йигит ўзи ҳақида эмас, ёнида яраланиб ётган сафдоши ҳақида ўйлар эди: «Нима бўлса ҳам инсон ҳаётини сақлаб қолиш керак». У бор кучини йиғиб, ярадорни кўтариб, ҳаракатга тушди. Қабиҳ душман снайперининг ўқи унинг иккинчи қўлига тегди. Аммо, Қаҳрамон Мадалимов ўз бурчини охиригача шараф билан бажарди. Афсуски, олган жароҳати туфайли у ҳаётдан кўз юмди.

Халқимизнинг асл фарзандлари қасамедга содиқ қолдилар. Улар сизу бизнинг орамизда!

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Маълумки, кейинги йилнинг 14 январь кунини ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилган кунининг 10 йиллиги тантанали равишда нишонланади. Шу муносабат билан республика Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон «Ватанпарвар» ташкилоти бошқа қатор ташкилот, уюшма ва жамғармалар билан биргаликда «Ватан ҳимоясида» номли танлов эълон қилди. Унда адабиёт, тасвирий санъат, му-

сиқа санъати каби 9 та йўналиш бўйича номзодлар қабул қилинади. Танловда журналистика йўналиши бўйича ҳам (мақолалар ва телекўрсатувлар) номзодлар танлови ўтказилади. Барча журналистлар, ижодкорларни ушбу танловда иштирок этишга таклиф қиламиз. Танловнинг бошқа шартлари «Ватанпарвар» газетасининг шу йилги 1 ноябр сонидеда чоп этилган.

Хушёрлик-қудалик амалий ҳаракат

учраб турибди. Улар ёшларни жалғитмасликлари учун қоралар кўриган. Вилоятнинг «Наврўз», «Нуроний», «Маҳалла» жангчиларлари, «Камолот» ижтимоий гуруҳи, вилоят касба уюшмалари кенгаши,

Рашидов номли хўжаликларда ҳам мунтазам равишда ўтказилмоқда. — Инсоннинг ўз юртига, оиласига, аждодлари руҳига садоқати ҳозирги синнов кунларида билинади, — дейди «Маънавият ва маърифат» кенгаши котиби М.Ражабов. — Олиб борилаётган ишлар хушёрлик ва огоҳликни мустаҳкамлашга, тинчлик, осойишталик, тараққиёт, фаровонлик, дўстлик, миллатлараро тотувликни тарғиб қилишга қаратилган.

Воҳанинг шаҳар ва қишлоқларида, маҳалларида, чегара худудларида бўлар экансиз, Президентимизнинг «Хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки қудалик иш, қудалик амалий ҳаракат бўлиши лозим», деган сўзлари ҳар бир фуқаро қалбидан чуқур жой олганлигини ҳис этасиз.

ЁЛКИН.

Армиянинг қон томири

ИМТИҲОНДАН АЪЛО БАҲОГА

— Олтинчи, олтинчи! Сизни биринчи сўрапти. Жавоб беринг. — Биринчи! Олтинчи линияда. Гаплашинг.

Гавжум алоқа пунктидаги ўриндиқда ўтирган ёшгина аскар харбий қисмдаги икки нафар раҳбарни бир-бири билан улаб қўйгач, бор диққат-эътиборини бошқа кўнғироқларга қаратди. Кўнғироқларнинг эса кети узилмасди...

Алоқани жаҳондаги барча давлатларнинг қуролли кучларида армиянинг асосий қон томирлари дея таърифлайдилар. Бу гапда жон бор, албатта.

Препарщик Азамат Мухамедов бир неча йилдан бери ана шу касб орқасидан қисмда обрў-эътибор топиб келяпти. У раҳбарлик қилаётган алоқачилар гуруҳи ҳаммаша аъло хизмат кўрсатиб келаяпти. Гуруҳ аъзоларининг ҳар биридан командирлари мамнун, зотан қисмдаги харбий тайёргарлик, қудалик жўшқин ҳаёт айнан алоқачиларнинг тезкорлигига боғлиқдир.

— Бу касбга меҳр юрагимга болалиқдан тушган, — дейди Азамат. — Мен гуруҳимизга янги келган ёш аскарлар билан ишлашни биринчи галдаги вазифа деб ҳисоблайман. Уларнинг қудалик тажрибасини ошириб бориш, тезкор ишга эртарақ ўргатишнинг аҳамияти жуда катта.

Яқинда қисмда бўлиб ўтган кўрикда А.Мухамедов раҳбарлик қилаётган гуруҳ яна барча имтиҳонларни аъло баҳога топширди.

А.БАЙРАМОВ,
майор.

ЭНГ ЯХШИ ДЕБ ТОПИЛДИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Андижон вилояти кенгаши бирлашган техника мактаби курсантлари учун янги ўқув йили бошланди. Бу мактаб мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятининг етакчи бўлинмаларидан бири ҳисобланади. Унда ёшлар олти мутахассислик бўйича таълим олади.

Армия учун малакали кадрларни тайёрлаш вазифаси ўтган ўқув йили мобайнида мактаб томонидан тўлиқ бажарилиди. Курсантлар касбий билим ва кўникмалардан ташқари яхши сиёсий тайёргарликка ҳам эга бўлмоқда. Шу билан бирга, халқ хўжалиги учун ҳам бешта ихтисослик бўйича 1000 нафардан ошқ мутахассис тайёрланди. Янги йил ҳаракати қондалари жорий қилиниши муносабати билан 5500 нафар ҳайдовчи қайта тайёрланди.

Шунингдек, мактаб яхши моддий-техника базасига ва малакали кадрларга эга. Яқинда бўлиб ўтган республика кўриги натижаларига кўра, ушбу мактаб автоколониаси мудофаага кўмаклашувчи ташкилот автоколониалари орасида энг яхши, деб топилди.

(ЎЗА).

Саволингизга жавоб берамиз

ЯККАБОШЧИЛИК НИМА?

Харбий хизматта чакирилиш муддати яқинлашиб келаятган ёшлар ушбу хизмат билан боғлиқ кўпгина тўшунчаларни эгаллашга ҳаракат қиладилар. Масалан, самарқандлик бир гуруҳ ёшлар армияда яккабошчилик нима эканлиги билан қизиқсиндилар.

Уларнинг саволларига майор А.Обрўев жавоб беради:

Харбий тизилманинг муҳим тамойили яккабошчилик ҳисобланади. Куролли кучлар ички хизмат Низомида (30-модда) яккабошчилик — Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари қурилишининг, унга раҳбарлик қилишнинг ва харбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларнинг тамойилларидан бири саналади, дейилган. Яккабошчилик қўшинлар бошқарувининг бир услуби сифатида, хизматчиларнинг ўзаро муносабатларини белгилаган ҳолда, нафақат генерал, зобит, прапорщикларга, балки, бутун шахсий таркибга тегишлидир.

Яккабошчиликнинг моҳияти нимада?

Ички хизмат Низомининг худди ана шу 30-моддасида бунга аниқлик киритилган: «У командирга (бошлиққа) бўйсунувчиларга нисбатан идора қилиш ҳоқимиятининг бутун тўлалигича берилишида ва харбий қисм, бўлинма ва хар бир харбий хизматчининг ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма жиҳатлари учун давлат олдида шахсий жавобгарлик унинг зиммасига юкланишида ўз ифодасини топади».

Шу ерда, нима учун айнан яккабошчилик қўшинлар бошқарувининг услуби сифатида Куролли кучлар қурилишининг муҳим тамойили ҳисобланади, деган савол туғилади.

Авваламбор, яккабошчилик зарурати Куролли кучларнинг ўз моҳиятидан, мамлакатни қуролли ҳимоялаш вазифасини бажаришдан келиб чиқади. Негаки, у қўшинларга тез ва ишончли раҳбарлик қилишни, бутун харбий таркибни ягона ирода ва фаолиятга бирлаштиришни, хар бир харбий хизматчи ўзига топширилган вазифани бажаришда шахсий масъулият сезишини таъмин этади.

Ҳозирги кунда Куролли кучларимиз сафида талайгина хотин-қизлар ҳам шартнома асосида хизматни ўтаётдилар. Улардаги ирода, матонат, хизмат бурчига садоқат кийинчиликларни муваффақиятли енгиб ўтишда муҳим омил бўлмоқда. Улар касбий билим ва ўзига хос кўникмалардан ташқари сиёсий тайёргарлик аълочилиқларидир. Бундайлар ҳамма ҳамма, ҳар қандай шароитда ҳам юксак ишончли шараф билан оқлайдилар.

Н.ЮСУПОВ олган сурат.



Терроризм инсоният учун муқаддас қулфатлар келтирадиган тажовузкор қучдир. Унга қарши барчамиз яқдил бўлиб курашмоғимиз, ҳаммаша огоҳу хушёр бўлмоғимиз даркор.

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Низом Бегматовни жанубий сарҳадларда хизмат бурчини ўтаётган чегарачилар хузурида учратдик. У киши билан бирга «Нуроний» жамғармаси раиси Январ Иноятов, «Камолот» ижтимоий гуруҳи раҳбари Долли Аллаев, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтининг профессори Махмуд Худойкулов, Нишон туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Насиба Уткирова ҳамда касба уюшмалари, ота-оналарнинг вакиллари, санъаткорлар ҳам бор эди.

Шу кунги чегарачилар билан «Ватан саждагоҳ» каби муқаддасдир мавзуда қизгин мулоқот бўлди. Учрашув иштирокчилари она Ватан муқаддас бурч эканлигини таъкидлаб, Республика Президентини Ислом Каримовнинг Баёниши ва Ўзбекистон «Миллий ахборот

агентлиги муҳбири билан қилган суҳбатда илгари сурилган фикрларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этдилар.

ЧЕГАРАЧИЛАР ХУЗУРИДА

Ўзаро мулоқот сўнггида халқ таланти ижросида концерт намойиш қилинди, чегара худудлари аҳолисининг тинчлигини таъминлаш, сергаклиги ва хушёрлигини оширишда фаол қатнашаётган ватан посбонларига бадиий китоблар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қашқадарё — Марказий Осиёнинг Туркменистон ва Тожикистон давлатлари билан чегарадош. Онда-сонда бўлса-да, хусусий тадбиркор, сайёҳлик ниқоби остида бу ерга ташир бу-юрётган «меҳмон»лар ҳам

хуқуқ-тартибот ҳодимлари, қишлоқ оқсоқоллари, фуқаролар йигинлари ва маҳалла оқсоқоллари ҳамкорликда ёшларнинг маданий савиясини янада ошириш мақсадида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Бундай қизиқarli мулоқотлар Қарши шаҳридаги Самарқанд, Чармгар, Чақар, Роғузар, Дарвозатутак, Шахрисабздаги Кулоллик, Косондаги Нартибанд маҳаллалари, Шахрисабз туманидаги Болта Фозилов, Қарши туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги», Яккабоғ туманидаги Шароф

«Бандлик» дастури амалда

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида кўрсатилганидек, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан қаролатилган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир».

МАҲАЛЛА ВА МЕҲНАТ БЎЛИМИ ҲАМКОРЛИГИ

— Маҳалла шарқона демократиянинг ўзига хос мактаби, ижтимоий адолатга таянган давлатнинг ва кучли фуқаролик жамиятининг асоси эканлигини бугун барчамиз яхши билемиз, — дейди бўлимнинг аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий химоя гуруҳи раҳбари О.Полишчук. — Шу боис ҳам ҳар бир маҳаллага меҳнат нозирлари бирктирилган бўлиб, уларнинг фаолияти қатъий назоратга олинган.

Шаҳарнинг «Озодлик» маҳалласида бўлганимизда йигин раиси А.Бекмуродов ва меҳнат нозир Х.Чоршанбиевлар яқинда ўтказилган меҳнат ярмаркаси ақунларини сарҳисоб қилишгаётган экан.

— Худудимизда 798 та оила истиқомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли, — 400 киши кам таъминланганлик, 686 кўп болали она 16 ёшгача фарзандлари бўлганлиги учун нафақа олади. 15 нафар ногиронли моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибмиз. Маҳалладаги 22 та кўча мавжуд 23 ташиқотта бирктириб қўйилган. Шаҳар меҳнат бўлими билан қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли бекор юрган 20 киши ишга жойлаштирилди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмади.

Меҳнат бўлими ходимлари шаҳарнинг «Маърифат», «Гулистон», «Дўстлик», «Шодлик» каби маҳаллаларида бўлиб, ҳақиқий аҳолини ўргандилар. Ишсиз юрганлар аниқлашиб, фойдали меҳнатга жалб этилди. Ҳозирда маҳаллада 50 дан ортиқ турли хилдаги кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар фаолият кўрсатапти. Узининг 2500 йилли-

гини нишонлаётган қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарда 116 мингга яқин аҳоли, 38600 оила истиқомат қилади. Ўтган даврда бўлимга мурожаат қилган 969 кишидан 668 нафари ишга жойлаштирилди. 37 киши ишсиз деб этироф этилиб, 18 кишига нафақа тайинланди. 16 нафар хотин-қиз тикувчилик касбига ўқитилиб, «Гўзал» маиший хизмат кўрсатиш корхонасига ишга юборилди. 6 фуқарога муҳдатидан олдин нафақа тайинланди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонида асосан жазони ўташ муассасаларидан доимий яшаш жойига қайтган 26 киши иш билан таъминланди.

Оиланинг мулкий аҳолини аниқлаш, ўртача даромадлари ҳисоблаш, муҳжатларни расмийлаштиришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги мустақамланган. 16 ёшгача болали бўлган оилалардан 4116 тасига нафақа тайинланди, 695 тасига моддий ёрдам кўрсатилди. «Бандлик» дастури асосида янгитдан 2380 та иш ўринлари яратилди.

Яна бир ибратли томони шундаки, маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, йўللари асфальтлаш, кам таъминланган оилаларнинг турар-жойларини таъмирлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, кўп болали оилаларга нафақа тайинлаш, экологик, санитария-тозалаш ишларини ўтказиш, газ, сув, электр энергияси таъминотини яхшилаш тадбирларида ҳам бўлим жамоаси бевосита иштирок этмоқда.

Шаҳарнинг Ақмал Икромов, Маҳмуд Қошғарий

кўчаларини таъмирлаш, ичимлик суви қувурлари ўтказиш ва ободонлаштириш учун бюджетдан ташқари маблағдан 1,5 миллион сўм ажратилди. Шаҳар ҳокимлигининг кўмаги билан 150 киши ободонлаштириш бошқармасига ишга жойлаштирилди ва уларга 1 миллион сўм иш ҳақи тўланди. Мустақиллик



Езёвон туманидаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежиди олти йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Қайта таъмирланган мазкур ўқув даргоҳида замон талабларига мос ўқув жиҳозлари мавжуд. Шунингдек, ундаги спорт зал, ошхона ва икки юз ўринли ётоқхонада яратилган шарт-шароитларни кўнгилдаги дек дейиш мумкин.



Бу ерда 516 нафар талаба билим олмақда. Уларни етук мутахассислар этиб тайёрлашда зиё маскани мураббийларнинг хиссаси каттадир. Суратларда: талабалар спорт залида; кутубхона бўлими мудири Суйдиҳон Сирожиiddинова талабалар даврасида.

М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Олмалик шаҳридаги кимёгарлар маданият саройи рўпарасида, «Ойдин» савдо комплекси билан туташтирилиб, яна бир мухташам бино — «Супермаркет» ишга туширилди. Бутун ҳаёти меҳнат ва яратувчилик таъвишлари билан ўтган Муртоз Бахрихонов бу ишга бошчилик қилди. Янгилликка интилиш, бунёдкорлик хусусиятлари пенсияга чиққанида ҳам уни тарқ этмади. Фарзандларини йиғиб, ўйлаб қўйган яхши ташаббуси ҳақида уларга сўзлаб берди. Бу фикр ҳаммага маъқул бўлгач, энг яхши лойиҳа, қўли гул усталарни топиш ҳаракати бошланди.

Қурилишни битказиш учун қариндош-уруғлар маблағдан ёрдам бердилар, ўзларининг, оила аъзоларининг ҳамма имкониятлари ишга солинди, ҳатто ўз автомобилларини ижарага бердилар. Ниҳоят, бир неча йиллик меҳнатлар натижасида бинонинг ташқи кўриниши ва савдо майдонлари ишга шай қилинди. Уни Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида ишга туширилди. «Супермаркет» залларида озиқ-овқат, кийим-кечак, «Болалар дунёси», ўйинчоқлар, радио-телевизор, турли ичимликлар бўлимлари иш бошлади. Ҳозирги кунда бу савдо тармоғи

ЯНА 200 ИШ ЎРНИ ҲАРАКАТИДА

ижара ҳисобида иш олиб бормоқда. Эраклар ва аёллар сарта-рошонналари, суратхона, биллиардхона ва ошхона ишлаб турибди. Тўю-тантаналар ўтказишга мўлжалланиб 300 ўринли зал қуриб битказилди. Унинг ички майдони салкам бир гектарни ташкил этади. Саноат шахри Олмаликнинг йирик корхоналарида ўн минглаб кишилар меҳнат қиладилар. Ана шуларга

Тадбиркор тажрибасидан

қулайлик яратиш ниятида шаҳарда биринчи бўлиб пластик карточкалар билан муомала қилувчи банк ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Ички ҳовлида қурилиш ишлари давом эт-

кўлами жуда катта. Жамоамизнинг сергайратлиги, топқирлиги бизларни ана шу ишларга руҳлантира олиши билан юзлаб, минглаб одамларга доимий хизмат қиладиган, бозорларни тўқин қиладиган савдо тизимига эга бўлди. Ҳозирнинг ўзида тармоғимизда 120 киши меҳнат қилмоқда. Давом этаётган қурилишларимиз тугалланиб, ишга тушса, яна камиди 200 киши доимий иш ўрнига эга бўлади. Ишларимизнинг юришиб кетишида, эришган муваффақиятларимизда тажрибали мутахассислар, тадбиркорларнинг хиссаси катта.

Кўркам салобати ва қиёфаси билан энг замонавий услубда дид билан қурилган Олмалик шаҳри чиройига янада чирой қўшиб турган ушбу «Супермаркет» Истиклол ва ислохот шарофатидир.

Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма тадбирлари КУЗГИ ЎҚУВ

Тошкент шаҳар Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма кўмитасида касаба уюшма фаолларининг кузги амалий ўқувлари бошланди. Ўқувда тармоққа тегишли ташкилот ва муассасаларнинг касаба уюшма кўмиталари раислари, мутахассислар ва фаоллар иштирок этдилар.

— Шаҳар тармоқ кўмитасининг махсус дастури асосида ҳар ойда бир марта ташкил этилаётган бундай ўқувлар касабақўм ва фаолларнинг жойларда иш ташкил этишлари ҳамда юритишлари, меҳнаткашлар билан алоқаларни мустақамлашлари, уларга ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишларида ҳар томонлама кўмак бермоқда, — деди Тошкент шаҳар тармоқ кўмитаси раиси Хожиакбар Бахтиёров. — Чунки, бундай машғулотларда улар илгорлар тажрибаси, замонавий усул ва услублар соҳа янгилликларидан хабардор бўлмоқдалар.

Ўқув семинарининг биринчи машғулотини «Ўзбекистон касаба уюшмаларининг халқаро касаба уюшмалари билан ҳамкорлик алоқалари» мавзусига бағишланди. Унда ЎзКУФКнинг халқаро ишлар бўлими мудири Раҳбар Раҳмонова ЎзКУФКнинг халқаро майдондаги фаолияти, тармоқ касаба уюшма Марказий кўмитасининг хорижий касаба уюшмалари билан алоқалари, Халқаро меҳнат ташкилоти олиб бораётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялар хусусида гапириб берди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Жумладан, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар касаба уюшмалари ўртасидаги ўхшашлик ҳамда фарқли томонлар, Япония, Хиндистон, Хитой давлатлари касаба уюшмалари билан ўрнатилган мустақам ҳамкорлик алоқаларига бағишланган суҳбатлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

М.ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Ижтимоий химоя

НАФАҚАГА ҚЎШИМЧА

Зафаробод тумани аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими тасарруфидида ўтган йили «Саховат» ёрдамчи фермер хўжалиги ташкил этилган. Хўжалик Охунбоев номили ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудидан 10 гектар ер олиб, 4 гектариди галла, 6 гектар майдонда пахта етиштирди. Натижа ёмон бўлмади. 10 тонна ўрнига 13,5 тонна галла ҳосили олинди, 229 минг сўм соф даромадга эга бўлинди. Режага қўра, галла ва пахтадан жами 400 минг сўмдан зиёд соф фойда қўриш мўлжалланган.

Бўлим ходимлари ёрдамчи фермер хўжалигида ишлаб топилган маблағни бўлим ишини янада яхшилаш, кам таъминланганларни, ногиронларни моддий қўллаб-қувватлашга сарфлашмоқда. Тумандаги 21 нафар ёлғиз кексаларнинг ойлик нафақаларига 1000 сўмдан қўшимча берилмоқда. 3 нафар фахрийнинг уйлари таъмирлаб берилди.

Б.НОРКУЛОВ.

«ДОРИШУНОС» ОДИМИ

Навбахор туманидаги «Доришунос» ишлаб чиқариш фирмаси Навоий вилоятида хусусийлашган биринчи тиббиёт муассасаларидан. Фирманинг 19,2 гектар ерида 20 хилдан ортиқ доривор ўсимлик етиштирилади. Дори ишлаб чиқариш цехида эса 50 хилдан зиёд дори-дармон тайёрланади. Навоий вилоятидаги кўпчилик шифохоналар, асосан, шу фирмада тайёрланган дориларни харид қиладилар.

Мамлакатимиздаги дорихоналарга ҳар йили 40 миллион сўмлик доривор ўсимликларни етказиб берамиз. Айни пайтда, Исроиқнинг «Паклайн» фирмаси билан дориларни қадоқлаш технологиясини ўрнатяпмиз. Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги «Колос-М» фирмаси билан ҳамкорликда «Зимбулок» сувини қадоқлайдиган «Оазис-З» қўшма корхона қурилиши бошлади. Корхона тўлиқ ишга тушгач, бир кеча-кундузда 20 тоннагача шифобахш минерал сув ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Фирма директори Эргаш Нормуродов.

(ЎЗА).

Меҳнаткашларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, кўнгилдагидек савдо хизмати кўрсатиши яхши самара бериши тажрибалардан маълум. Аммо ўтказилган текширишлар Бухоро туманида бу борада жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Савдонини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижроси юзасидан туман ДСИ ходимлари билан ўтказилган текшириш жараёнида 20 дан ортиқ савдонини 8 турдаги маҳсулотнинг мавжуд бўлмаслиги ҳолатлари маълум бўлди. Жумладан, 6 дўконда ун, 13 та сотув нуқтасида ўсимлик ёғи, 1 тасида эса шакар йўқлиги аниқланди.

Туман ўраимида юқоридаги маҳсулотлар билан савдо қилиш ваколати берилган дўконлар сони 81 та бўлиб,



И.ХАСАНОВ олган суратлар.

Қарор ва ижро

билан қараш оқибатида маҳсулот етказиб беришда узил-шилларга йўл қўйилаётди. Хусусан, «Наврўз» савдо ли дўконлари ҳам худди шундай аҳвол ҳукм сураётганлигининг шохиди бўлди. Қатор савдо нуқталарида «Ойбек», «Дилрух», «Муҳайё», «Диосиё», «Чорраҳа», «Олмазор» дея номланувчи хусусий савдо корхоналари ҳамда фирмаларга қарашли дўконларда ҳам 9 турдаги маҳсулот таъминоти талаб даражасида эмас. Маҳсулот етказиб беришда узил-шилларга йўл қўйилаётди.

Аҳволни зудлик билан яхшилаш мақсадида туман ДСИ прокуратура ҳамда туман ҳокимлиги идораларга тақдимномалар юборди. Савдо корхоналарининг раҳбарларига нисбатан оғохлантириш хатлари берилди.

А.САМАДОВ, Бухоро туман давлат солиқ инспекцияси ходими.

Ота-она фарзи

ТАРБИЯ ВА ОҚИБАТ

Бу ёруғ оламда Ватан биттадир, Биттадир дунёда Она деган ном.

Ушбу мисраларни эсланганимда, қалбим маъсур туйғуларга ошно бўлади. Аслида бу дунёда инсонни суяб турадиган Ватан ва Онадир. Ана шу буюклик теграида инсон камолга етади, ўзлигини танийди. Ватани, халқи камоли учун улуг курашга халқнади. Ота-она эса фарзандини дунёга келтириб, эзгуликка бошлайди. Ота-онанинг фарзи фақат боласини яхши едириб, ичиришда, улгайтириб, уйли-жойли қилишда эмас, балки фарзандни қалбига иймон-этикод нурини сочмоқ, болани ҳалол риёқ билан боқиб, унинг қалбига Ватанга муҳаббат, аждодларга ҳурмат-ифтихор туйғуларини уйғотмоқ ва эркин яшашга, эркин фикрлашга ўргатмоқдир. Чунки, ҳур фикрли инсон ҳеч қачон йўлдан адашмайди, ўзини, ўзақларини унутмайди.

Ажаб дунё экан, инсон улгайиб, бола-чақалик бўлиб, ўзи ота, ўзи она бўлгандан кейингина ота-она қадрини чуқурроқ ҳис қилади. Ҳазрат Алишер Навоий шундай деган эдилар:

Онalar обғи остидадур, Равзаи жаннату ризвон боғи. Равза боғи висолин истар эсанг, Бўл онанинг обғин туфроғи.

Аммо, бир кам дунё деганларидек, орамизда ноқобил фар-

зандлар ҳам йўқ эмас. Сир эмас, олис вилоятлардан келиб пойтахтимизда таҳсил олаётган ёшларимиз орасида ота-оналарини бир энлик хат билан йўқламайдиганлар ҳам бор. Ҳатто киши ва ёзги таътил даврида ётоқхонадан қувиб ҳам ота-онаси бағрига етказмади қийналганимда, ҳайратдан ёқа ушлайман. Фарзандим фалон олий даргоҳда ўқияпти, деб юборган пуллари бўлар-бўлмас нарсаларга сарфлаб, соғураётганларини кўрганимда, дафъатан кўзимга ёш келади.

Шундай экан, азиз ота-оналар ҳам фарзандларини ёшлигиданоқ пулни тежаб сарфлашга ўргатиши зарур. Зеро, пул топиш учун меҳнат қилиш кераклигини тушунириб бориш керак. Базан ҳайрон қоламан. Талабалар ётоқхонаси олд томонида кичкинагина боғчамиз бор. Баҳор келиши билан ҳашар уюштириб, бирор нарса екиш учун тайёрлаймиз, мевали дарахтларни оқлаймиз. Шу бир парча ерга ишлов бериш учун баъзи бир талабаларимизни жалб қила олмаيمиз, чунки улар кетмон ушлашни ўзига ор деб билар экан. Во ажаб, ёқамни ушлайман, ахир ўша «баъзи бирлар» қишлоқда туғилиб ўсган-ку! Деҳқончилик билан кун кечирган

инсонларнинг фарзандлари-ку! Яна қайтараман: кўп нарса оиладаги тарбияга боғлиқ. Айниқса, ўғил болаларни ёшликданоқ оилада асосий оғирликни ўзларига олишга, ана шундай масъулиятли ишни ҳис қилишга ўргатиш мақсада мувофиқдир. Оддий бир мисол. Оила йўлга чиққанда, оғир юкни ўғил болалар кўтаради, ерни ўғил бола чопади, кўчат ўтказилса, ерни ўғил бола қовлайди ва ҳоказолар.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор шундай деган эди: «Агар кўчада бирор аёл оғир жомадон кўтариб келаётган бўлса-ю, бирон эркак жомадонини унинг қўлидан олиб автобусга чиқариб қўйса, қандай яхши. Бу одам хунук бўлса ҳам, майиб бўлса ҳам барибир, ҳамманинг кўзига бирдан яхши кўринади». Чунки, меҳр, ишонч, саховат, муруват инсонни тетиклаштиради, ғайратини оширади, оилага муҳаббатни мустаҳкамлайди. Оила-сига меҳр-муҳаббатли инсон эса эл-юртни қадрлайди, Ватанинг бир устунига айланади.

Шухратхон ИМЯМИНОВА, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультетининг декан ўринбосари.

Сурхондарё Алпомиш авлодлари ватани. Бу юрда мамлакатимиз доврғини ёйган полвонлар етишиб чиққан. 1993 йилдан бошлаб улуг аллома Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро турнир ўтказиб келинмоқда. Турнирнинг ташкил этилиши миллий курашнинг ривожланиши ва халқаро миқёсга чиқишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Касаба уюшма спорти

ютуқлар қўлга киритилганидан шохидлик беролмоқда. Бироқ, бу борада жиддий муаммолар ҳам бор. Белгиланган тадбирларга мувофиқ касаба уюшма аъзоларидан 134 миллион сўм аъзолик бадаллари

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ




Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти, унинг тасарруфидоги ташкилотлар меҳнат жомоалари, ўқув юртлари, яшаш ва ишлаш жойларида спортнинг оммавийлигини таъминлаш, соғломлаштириш ишларини ташкил этиш, қишлоқда спортни ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қобилиятли, иқтидорли, етук спортчиларни аниқлашга алоҳида эътибор бермоқда.

республика миқёсидаги спорт усталари, 500 дан ортиқ спорт усталигига номзодлар ва биринчи разрядли спортчилар етишиб чиқди. 20 та ўйингоҳ, 3 та отиш тири, 3 та сузиш ҳавзаси, 26 та зал, 434 та ҳар хил спорт майдончалари қуриб битказилди. Термиз шаҳрида жаҳон андозлари асосида қайта таъмирланган, 8 минг томошабинга мўлжалланган «Алпомиш» ўйингоҳи ишга тушди.

Вилоят касаба уюшмаларининг спортни ривожлантиришга қаратилган беш йиллик дастури ишлаб чиқилди. Дастурга асосан воҳода янгидан яна 6 та ўйингоҳ қуриш, жомоа хўжалиқларида 20 та ўйингоҳ ва спорт залларини таъмирлаш, 26 та спорт гузарлари ташкил этиш мўлжалланган. Шундан Термиз шаҳридаги Боғи Бобур, Деновдаги ёғ-экстракция заводига, Жарқўрғон туманидаги Н.Боймуродов номидаги ҳамда «Ҳазорбоғ» каби жомоа хўжалиқларида 6 та спорт гузарлари қуриб битказилди. 2001 йил бошида вилоят ҳокимининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисидаги махсус қарори самараси ўлароқ ўтган қисқа давр ичида спорт иншоотларини вужудга келтириш ва мавжудларини қайта таъмирлаш, асособ-ускуналар сотиб олиш учун 85 миллион 416 минг 259 сўм маблағ сарфланди. Шундан 39 миллион 459 минг 889 сўм маблағ аъзолик бадалла-

Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» жомоа хўжалигининг Бобир Бобораҳमतов раҳбарлик қилаётган болалар ва ўсмирлар мактабида 300 нафар тарбияланувчи футбол, англ атлетика ва ўзбек кураши сирларини ўрганмоқда. Кумқўрғондаги «Беш қахрамон», Денов туманидаги Амир Темур номи, «Ҳазорбоғ» жомоа хўжалиқлари, «Лочин» фермерлар уюшмаси, «Тўпаланг» сув омбори футбол командалари вилоят мусобақаларида фаол иштирок этиб келишапти. Вилоят спортчилари Фарғонада бўлиб ўтган саломалик спартакиада, Шаҳрисабзда ўтказилган «Тўмарис» миллий ўйинларига совринли ўринларни эгалладилар. Тармоқ ходимлари касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган республика мусобақаларида футбол, баскетбол, англ атлетика бўйича яхши кўрсаткичларга эришилди.



тўпланиши керак эди. Хозиргача 30 миллион сўм маблағ жамғарилди, холос. Айрим жомоаларда олиб борилган ётган ишлар «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун талабларига тўлиқ жавоб бермапти. Қишлоқ жойларидаги спорт иншоотлари қаровсиз аҳволда. Етарли даражада жиҳозланмаган. Хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш ҳамон оқсамоқда. Ногиронлар учун спорт мусобақалари ташкил этиш, спорт моллари ишлаб чиқаришга иктисослашган кичик корхоналар очиш, хусусий секторни ривожлантириш, жомоаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, пуллик хизматни ташкил этиш тадбирлари суствалик билан амалга оширилмоқда.

Давр эса касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш, спортнинг оммавийлигини кучайтириш, меҳнат жомоалари ва ўқув муассасаларида жисмоний тарбияни ривожлантириш, қишлоқда соғломлаштириш ишларини кенг йўлга қўйиш, мураббийлар ва спорт усталари тайёрлашни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Юқоридаги далиллар Сурхондарёда спорт ривожини йўлида муайян

И. ИСОМИДДИНОВ.

қаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрда қабул қилинган «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига асо-

зарб вазифаларидан бирига айланди. Бу борада вилоятимизда кенг қўламада тарғибот ишларини йўлга қўйди. Янги тахирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига алоқадор. Бундай ҳуқуқий ҳужжатнинг моҳияти ҳаммани қизиқтиради. Вилоят ҳудудида жойлашган ҳар бир автокорхона, ташкилот, олий ва ўрта ҳунар техника билим юртларида, коллеж-лицейларда, мактаблар, маҳаллаларда янгилик атрофлича тушунирилиб, улар билан биргаликда ишларини мунтазам йўлга қўймоқдамиз. Хусусан, янги тахирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича мактаблараро, туманлараро «Яшил чирок» мусобақалари ўтказилди, голиблар республика миқёсида ўтказиладиган «Яшил чирок» мусобақасига қатнашишга йўлланма олдидлар.

Фаолиятимиздаги натижаларга тўхталадиган бўлсак, бир дам бўлсин жиноятчи-



И. ИСОМИДДИНОВ.

Фарзандим — жисгарбандим



И.ХАСАНОВ олган сурат.

САНЪАТКОР ИЛҲОМИ

Неча кундирки, Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри ижодий жамоаси Андижон вилояти санъат шинавандаларининг меҳмони бўлиб туришибди. Бахтиёр Ихтиёров, Санъат Девонов, Зарифа Исмоилова, Ҳайитали Низомиддин сингари саҳна усталари Балкич, Бўз, Улуғнор, Шаҳрихон, Асака туманларида бўлиб, дала меҳнат-қашларига театрлаштирилган мусиқали томоша кўрсатишмоқда. «Хандамиз сизга, дўстлар!» деб номланган аския ва интермедиялар томошабинларга олам-олам завқ-шавқ бахш этмоқда.

— Андижонликларнинг иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўлидаги ютуқларидан биз ҳам қувончларга тўлиб юрибмиз, — дейди театр раҳбари Мавлон Хўжаев, — одамларнинг кайфияти чоғ, руҳи баланд. Бундай томошабинга ҳар қандай санъаткор ҳам илҳомий бўлиб, сидқидилдан хизмат қилади.

Каратэчиларимиз ғалабаси

Малайзияда ўтказилган каратэ бўйича Осиё чемпионатида спортчиларимиз ишончли ғалабага эришди. Қашқадарёлик София Каспүлатова Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди ва бир йўла иккита - олтин ва кумуш медаллар соҳиббаси бўлди. Шунингдек, тошкентлик Азамат Қаландаров, фарғоналик Владимир Корж ва андижонлик Дониёр Холматовга чемпионатнинг бронза медаллари nasib этди.

Каратэчиларимиз Малайзияга жўнаб кетиш олдида ўз мураббийларига ғалаба билан қайтишни ва бу ғалабани мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлашни ваъда қилишган эди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқишди.

(ЎЗА).

«ТЕМИР ОТ» ҲОВЛИҚМАЛИКНИ КЎТАРМАЙДИ

— Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилганига яқинда икки йил тўлади, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ҳаётий зарурат эди. — дейди Навоий вилояти ИИБ йўл-патрул эзмат бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Азамат Шакаров.

— Қонунда унинг моҳиятини очувчи куйдаги сатрлар бор: «Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солида ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкини муҳофаза этишни таъминлашга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган».

Албатта, Қонун билан мустаҳкамланган, химояланган йўл ҳаракати хавфсизлиги ижтимоий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Мустақиллик шарофати ила фаолиятимизда ўзгаришлар даври бошланди. Ушбу ислохотлар Қонунда белгиланганидек, фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилади ва бизнинг ваколатларимиз аниқ, қонуний мезъерга киради.

— Ҳар бир фуқаро йўл, ҳаракат, хавфсизлик каби тушунчаларни ўз фаолият-

тидан айри кўрмаслиги, уларга нисбатан энгил-елга муносабатда бўлмаслиги керак. Афсуски, бизда ҳали бу борада жиддий муаммолар борга ўхшайди...

— Бу ҳақда ҳар қанча гапирсак ҳам оз. Билмасдан — тасодиф туфайли юз берган ҳодиса билан, билиб ёки жазодан осонгина қутулишга ишониб содир этилган йўл транспорт ҳодисаси ўртасида озмонча фарқ бор дейсизми! Каттами-кичикми — кўпчилик машина мининиши, уни бошқаришни хоҳлайди. Шундай экан, йўл, машина ҳақида, уни бошқариш, хавфсизлик ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Катта тезлик ва куч-қудратга эга озмончавий машиналарни бошқариш учун ўзига хос ҳушёрлик ва билим керак. Бундан биз ҳар бир соҳада ривожланган мамлакатлар эришган ютуқ ва қулайлик-

ларга эга бўлиш, тенглашиш учун ҳаракат қилаймиз. Биргина йўл қурилиши соҳасидаги ўзгаришларни ёки кўприклар қурилишини эс-

Йўл қоидаси — умр фойдаси

— Автохалокатлар... Ҳозиргина ёнингдан қувиб ўтган ўзингдек ҳайдовчинини — беш дақиқа ўтмай йўл чеккасида аянчли ҳолда кўриш... азоб!

— Нимасини айтасиз. Оғохлантиришларга қарамай барибир, баъзан билиб, баъзан билмай йўл ҳаракати қоидаси бузилаверади. Ҳар бир йўл-транспорт ҳодисаси камида тан жароҳати, ўлим ёки иқтисодий зарарга бориб тақалади. Биргина оила бошлигининг ёки оила аъзоларидан бирининг автохалокатга учрашининг молиявий, маънавий зарарини ҳисоблаб кўринг-чи!..

Ана шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрда қабул қилинган «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига асо-

Йўл қоидаси — умр фойдаси

сан 2001 йил 1 мартдан мамлакатимиздаги барча йўлларда янги «Йўл ҳаракати қоидалари» қўллана бошланди.

— Сизларнинг «Автохамроҳ» журналингизда (2001 йил 1-сон) шундай бир рақамга кўзим тушди: «Ҳар йили ер юзида йўл ҳаракати ҳодисалари оқибатида 500 минг киши ҳалок бўлади. Бу рақам ер қуррасида давом этаётган барча жангу жадалларда, табиий офатлар натижасида ва бошқа ҳодисаларда табиий оламдан кўз юмаётганлар сонидан анча кўпдир...»

— Тўғри илғабсиз, шу боис ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш инсониятнинг энг дол-

ликка қарши курашни бўшаштирмаймиз. Ходимларимиз саяё-ҳаракати билан кўплаб жиноятлар фойда этиляпти. Айниқса, гиёҳванд моддаларни яширишчи транспорт воситаларида ташинишга уриниш ҳолатлари бўлмаслиги учун жиддий кураш олиб борилмоқда. Топвар-моддий бойликларимизни ноқонуний ташиниш ҳолатларини аниқлаш ва ушлаб қолиш борасида ҳам салмокчи натижаларга эришяймиз. Ҳаром пул топишга ури-наётганлар сизгертдан бензингача, рангли металлдан дизел ёқилғисигача, нондан ўсимлик мойигача, қўйинчи фойда кўриниб турган жамик маҳсулот, товарларни қинғир йўллар билан «ош» қилишга уринадилар. Ходимларимиз бундайларга ҳамма мурасиасиз, улар кеча-кундуз ўз хизмат постларидан касбларини виждонан бажаришга ҳаракат қилишади.

Сухбатдош: Р. РАУПОВ.